

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТАФАЕВ ШОМУРОД НОРМУМИНОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИ ҒОЯВИЙ-ЭСТЕТИК
ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(Бадиий тўғараклар фаолияти мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мустафаев Шомурод Нормўминович

Глобаллашув шароитида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш
технологияси (бадий тўғараклар фаолияти мисолида) 3

Мустафаев Шомурод Нормуминович

Технология идейно-эстетического воспитания студентов в условиях
глобализации (на примере художественных кружков) 21

Mustafaev Shomurod Normuminovich

Technology of ideological and esthetic education of students in the context of
globalization (on the example of art circles)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТАФАЕВ ШОМУРОД НОРМУМИНОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИ ҒОЯВИЙ-ЭСТЕТИК
ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(Бадиий тўғараклар фаолияти мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Ped41 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронов Муҳаммад Қуронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Мэлс Ҳасанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Халилов Фахриддин Нуриддинович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (99866 239-12-); факс: (2999866 239-13-87); e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй.Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тизимлари шахснинг маънавий ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган технологик жараёнлар, ижтимоий-маданий фаолият категориялари интеграциялашуви асосида мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Глобаллашув шароитида артпедагогиканинг ёшларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, ғоявий-эстетик иммунитетни ривожлантиришга йўналтирилган механизмларнинг “Поп-арт”, “Поп-муסיқа”, “Китч”, “Старизм” каби девиантлик ҳолатларни олдини олишдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса шахсни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, мафкуравий соғломлаштириш, маданий турмуш тарзини муқобиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш фалсафаси, методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш, уни объектив баҳолашнинг артпедагогик мезон ва даражаларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар санъат турларининг моҳиятини “ҳаётни акс эттириш”, “бунёдкорлик”, “билим бериш”, “баҳолаш”, “мафкура”, “ўйин”, “ўзликни ифодалаш”, “мулоқот”, “кадриятлар тили” каби санъат концепцияларининг методологик таҳлили, санъат турлари моҳиятини дефинициялаш, талабаларнинг мафкуравий соғломлик даражасини ошириш муаммоларини ўз ичига олиб, халқаро миқёсда ёшларни ғоявий-эстетик тарбиялашнинг янги моделларини яратиш ва амалиётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий, жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида талабалар ўртасида халқимиз маънавияти, миллий кадриятларини тарғиботи учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, ғоявий-эстетик тарбиялашнинг педагогик имкониятлари, технологияларидан самарали фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”нинг¹ устувор вазифалари белгиланиб, бу борада “оммавий маданият”нинг турларига қарши курашиш механизмларини ривожлантириш, талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” ЎРҚ-406-сон Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизмини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 сонли, 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий анъаналар, санъатнинг ўзига хос нафис хусусиятлари, мазмун, шакл ва тарбиявий имкониятларига қизиқиш қадимдан мавжуд. Мазкур соҳада буюк аждодларимиздан Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, шоир ва мутафаккирлардан Кайковус, Абдурахмон Саъдий, Фитрат, Муҳиддин қори Ёқубов, Шокир Сулаймон, Ражабзода ва бошқалар ўз асарларида тарбия ва нафосат бирлиги ҳақидаги фикрларни таъкидлаб ўтганлар.

Ўзбекистон педагог олимлари М.Абдужаббарова, З.Азимова, Е.Балабеков, Х.Ибрагимов, М.Исмоилова, Д.Кенжаева, Ҳ.Нурматов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Ш.Раёмов, С.Романова, Д.Рўзиева, Н.Саидахмедов, Б.Умаров, С.Файзуллина, М.Қурононов, Қ.Қуронбоев, С.Юлдашева, З.Қосимова, Г.Махмутова, Б.Шермухаммадов, Н.Шодиев, Ш.Қурбонов, А.Ҳасанов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёшларни миллий, маънавий, ахлоқий, бадиий, эстетик тарбиялаш ҳамда педагогик технологияларнинг турли масалалари тадқиқ қилинган.

Глобаллашув, “оммавий маданият”нинг ёшлар маънавиятига таъсири хорижлик олимлар Ортега-и-Гассет, У.П.Смольская, Д.Белл, П.Дж.Бьюкенен, В.И.Заяц, А.Я.Флиер, Т.А.Фетисова, В.П.Руднев, В.П.Шестаков, К.Т.Теплиц, Е.Н.Шагинская, О.Хаксли ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Талабаларда миллий маданият ва санъатнинг ғоявий-эстетик жозибасига маънавий эҳтиёжни шакллантириш ўзида мустаҳкам эътиқод ва бадиий қадриятлар уйғунлигини мужассам қилган шахс тарбиясининг энг муҳим омилларидан биридир. Юқорида қайд қилинган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг бадиий тўғарақларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш технологияларини такомиллаштиришни педагогик муаммо сифатида тадқиқ этиш долзарб эҳтиёжга айланди.

Тадқиқотнинг мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот

ишлари режасининг ИТД-4-108-рақамли «Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

глобаллашув шароитида бадиий тўғаракларда “оммавий маданият” ва унинг турларига қарши кураш технологияларини ривожлантириш масалаларини асослаб бериш;

бадиий ҳаваскорлик тўғараклари аъзоларини маънавий таҳдидларга қарши курашнинг субъектлари сифатидаги мужассамлашган “Ғоявий-эстетик баркамол талаба модели”ни ишлаб чиқиш;

бадиий тўғараклар машғулотида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш жараёни суггестив модулли кичик универсал технология талаблари асосида такомиллаштириш;

бадиий ҳаваскорлик тўғараклари аъзоларининг креатив салоҳиятини ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларининг бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш жараёни этиб белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини глобаллашув шароитида бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашнинг шакл, восита ва методлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида талаба ёшларнинг ғоявий-эстетик қарашларини ўрганиш, бадиий тўғараклар фаолияти, оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнларини кузатиш; суҳбат; интервью, натижаларни ўрганиш ва умумлаштириш, педагогик эксперимент, ретроспектив таҳлил, математик-статистик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш тизими баркамол талаба фазилатлари кластери ва педагогик босқичлар (концептуал, когнитив, операционал) интеграцияси (тадбиқ этиш, меъёрлаштириш, функционаллаш) асосида такомиллаштирилган;

талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашнинг методик талаблари (халқчиллик, аниқлик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, кўргазмалилик, хилма-хиллик, долзарблилик) асосида миллий ғоя руҳи сингдирилган тўғаракларни ташкил этиш компонентлари (ғоявий-эстетик вазифа, сингдирилган мазмун, шакл-услуг-восита) аниқлаштирилган;

ўқишнинг суггестив технологиясини қўллаш имкониятлари артпедагогиканинг ғоявий-эстетик тарбиялашга йўналтирилган педагогик шартлар тизимини (бадиий эмоционал, ёрқин таассурот, қизиқтириш, талаффуз, мимика-техника) модуллаштириш асосида такомиллаштирилган;

маънавий-маърифий фаолиятни ривожлантиришнинг педагогик йўналишлари (уйғунлик, тизимлилик, масъулият, мувофиқлаштириш)

мазмунига устуворлик бериш асосида талабалардаги иждокорлик сифатини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:
бадий тўғараклар фаолиятида “оммавий маданият”га қарши курашнинг педагогик таъминоти технологик такомиллаштирилган;

бадий тўғараклар машғулотида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш жараёнининг методик талаблари бойитилган;

бадий ҳаваскорлик тўғараклари аъзоларининг креативлик салоҳиятини оширишга қаратилган ғоявий-эстетик тарбия жараёнининг модели ишлаб чиқилган.

бадий ҳаваскорлик тўғараклари аъзоларининг креатив салоҳиятини ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашга қаратилган бадий тўғараклар фаолиятининг “оммавий маданият”га қарши курашининг педагогик таъминоти, бадий тўғараклар аъзоларининг маънавий таҳдидларга қарши курашга қаратилган “Ғоявий-эстетик баркамол талабанинг фазилатлари” талаблари мажмуи, талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш жараёнининг методик талаблари бойитилгани, бадий ҳаваскорлик тўғараклари аъзоларининг креатив салоҳиятини оширишга қаратилган ғоявий-эстетик тарбия жараёнининг модели таклиф этилгани, ушбу моделнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида “Педагогика”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Муסיқа тўғаракларини ташкил этиш” курслари ва маънавий-маърифий ишлар мазмунини бойитишга, малака ошириш курслари, “Ёшлар марказлари” дастурларини такомиллаштиришга, маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини бойитишга, бадий тўғаракларда тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида бадий ҳаваскорлик тўғаракларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашнинг методик тамойиллари, баркамол талаба фазилатлари кластери, бузғунчи ғоялар, “оммавий маданият” ва унинг таркибий қисмларига қарши курашга оид таклифларидан Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 февралдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар театр студиялари фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги 160-сон, 2016 йил 14 майдаги “Олий таълим муассасалари ўртасида “Ягонасан муқаддас Ватан” республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида” 190-сон буйруқлари билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва тадбирларни ташкил этишда фодаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 01-07/221-сон маълумотномаси). Мазкур тадбирлар бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш тизими босқичларининг таъсирчанлигини ҳамда ёшларимизнинг маънавий таҳдидларга қарши курашнинг субъектларига айлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бадиий тўғараклар машғулотларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашнинг методик талаблари, талабаларнинг креативлик салоҳиятини оширишнинг ғоявий-эстетик модели, маънавий-маърифий фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик йўналишларига оид таклифлар педагог кадрлар малакасини ошириш тизими учун ишлаб чиқилган “Бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш бўйича махсус курс” мазмунига сингдирилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 4 октябрдаги 02/016-1770-18-сонли маълумотномаси). Мазкур дастур асосида педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида олий таълим муассасаларидаги бадиий тўғараклар фаолиятида ғоявий-эстетик тарбия жараёнининг самарали технологияларини ташкил қилиш имконияти яратилган;

талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш жараёнлари, суггестив модулли кичик универсал технология, ижодкорлик сифатини шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялар “Муסיқа тўғаракларини ташкил этиш”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Муסיқа ўқитиш методикаси” фанларини ўқитиш мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 мартдаги 89-03-1165-сон маълумотномаси). Мазкур методик таклиф ва тавсиялар олий таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларни такомиллаштиришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та республика ва иккита халқаро илмий-амалий анжуманларда ҳамда 12 республика кўрик-танловлари, ғоявий тарғибот акцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 номда илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 10 параграф, 143 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар (13 та жадвал, 7 та расм)дан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методологик асоси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилган ҳамда ҳимояга олиб чиқиладиган илмий ғоялар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш тизимининг методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида глобаллашув – ёшларга қаратилган маънавий-ғоявий таҳдидлар омили сифатида, ғоявий-эстетик тарбиянинг ижтимоий-сиёсий асослари, “Оммавий маданият”нинг ижтимоий педагогик таҳдиди масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” асарида “Биз бошимиздан кечириётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган ғоят мураккаб вазифаларни кўймоқда”¹, деган долзарб муаммони кун тартибига қўйди.

Санъатнинг бой ғоявий-тарбиявий имкониятлари барча даврларда юксак баҳоланиб келинган. Бу ҳақда миллий педагогикамиз тарихида муҳим хулосалар мавжуд. Яъни “Санъат асарларининг ажиб хусусиятларидан бири - томоша этгучи ва тинглагучиларнинг юракларида руҳий бир лаззат ва ажиб бир тўлқин туғдирмоқ бўлиб, бу санъат асарлари учун энг муҳим бир хусусият, энг муҳим бир шарт. Энг тўғриси, бу, ҳатто, санъатнинг энг буюк бир ғоясидир. Бир санъат асари юракларда бирор ажиб тўлқин ва ажиб лаззат, таъмли бир таъсир туғдирса, мияда ҳам ажиб бир қўзғалиш ясавади. Бу асар ҳақиқий бир санъат асари бўлиб саналмоққа тамом ҳақлиқ бўладир”².

Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби маданият ва санъат соҳасида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси” соҳага ғамхўрликни давлатимизнинг стратегик вазифасига айлантирди. Зеро, эстетик ниқоб ортидаги ғоявий тажовузларнинг моҳиятини очиб бериш учун “жаҳолатга қарши маърифат” асосида фаол ғоявий-эстетик тарбия билан кураш олиб бориш мумкин. Бу ишда, аввало, оқилона ишлаб чиқилган тизим-тартиб бўлиши лозим. Аҳён-аҳёнда ўтказиладиган, бири-бири билан боғланмаган тадбирлар ташкил қилиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Демак, олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар тизимида ғоявий-эстетик тарбияни илмий асосланган, педагогик технология асосида қуриш, “оммавий маданият” таъсирига қарши мафкуравий иммунитетни илмий асосда шакллантиришда олий таълим муассасаси бадиий тўғарақлари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон НМУ, 2017, 45-б.

²Абдурахмон Саъдий. Гўзал санъат дунёсида / Инқилоб, 1922 йил, 2-сон.

Бугунги кунда республикамиздаги 85 та олий таълим муассасаларида 209 та бадий тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Бадий тўғараклар – талабаларнинг қизиқишлари асосида ташкил этиладиган гуруҳлар бўлиб, улар талабаларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил этиш, фаол ижтимоий муносабатларга жалб этиш, маънавий, ғоявий-эстетик, илмий дунёқарашларини шакллантириш, ёшларнинг ўз ички имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит яратиш, шунингдек тарбия, тарғибот, ташвиқот функцияларини амалга оширишга йўналтирилган, ихтиёрий, баҳоланмайдиган маҳсулдор (ижодий) фаолият шакли ҳисобланади.

Талаба шахсини миллий ғоя ва миллий маънавият асосида шакллантириш муаммосининг назарий жиҳатлари серқирра ва кенг қамровли жараёндир. Бадий тўғараклардаги таълим-тарбиявий тизимнинг мақсад ва вазифалари йўналтирилган объект талаба, яъни шахсдир. Бунда талаба нафақат билим олувчи ёш йигит-қиз, балки фаол, ватанпарвар фуқаро, интеллектуал ва эстетик сифатлар эгаси, креатив шахс сифатида намоён бўлади.

Олий таълим муассасалари бадий тўғараклари олдида талабаларда мустақил бадий, эстетик муносабат, миллий санъатимизга муҳаббат туйғуларини шакллантириш; “оммавий маданият”нинг асл мақсад-моҳиятини тушунтириш; талабаларни ёт ғояларни тарғиб қилувчи санъат намуналаридан ҳимоя қилиш; миллий ғоя идеаллари асосида яшаш ва ишлашга ўргатиш; Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта йўналишга асосланган Ҳаракатлар стратегияси моҳиятини уқтириш; миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга садоқатни шакллантириш; юксак маънавият ва маърифатга доир кўникма ва малакаларни шакллантириш; ижодкорлик, эркин ва мустақил фикр юритишга ўргатиш; устозларга ҳурмат, уларни эъзозлаш, барча жабҳаларда талабаларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга эъзозли муносабатини тарбиялаш каби вазифалар юклатилган.

Ғоявий-эстетик тарбия – талабаларнинг эстетик диди ва ғоявий идеалларини мужассамлаштириш, бунёдкор ғоялар ва санъатдаги гўзалликни тўғри идрок қилиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш жараёнидир.

Талаба ёшлар “оммавий маданият” йўналтирилган асосий ижтимоий сегментдир. Шу боис ёшларимиз ва миллий-бадий эстетик қадриятларимизга қарши қаратилган ушбу муаммога тадқиқотимизда алоҳида эътибор қаратилди. “Оммавий маданият” иборасининг кенг тарқала бошлаши XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. “Оммавий маданият” анъанавий маданиятнинг маълум йўналиши сифатида эмас, балки маданиятдаги сифат ўзгариши, технологик ривожланиши тақозоси асосида юз берди. Оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг кескин ривожланиб, маънавий маҳсулотларни индустриал тижорат тарзида ишлаб чиқариш ва тарқатиш ривожланди. Бунинг натижасида, аҳолининг билим даражаси ўсиши билан бирга унинг маънавий эҳтиёжларида пасайиш жараёни кузатила бошлади.

“Оммавий маданият” ҳозир инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига тез кириб бормоқда ва ўзи учун қулай ғоявий-эстетик маконни шакллантирмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, “оммавий маданият” “ёшлар субмада-

нияти” индустрияси; оммавий ижтимоий мифология; одамга мураккаб кадриятлар йўналиши тизимини жойлаштириш; дунёни кўп қиррали тушунишни оддийлаштириш; ҳордиқ индустрияси, турли шоуларни, қизиқиш ва дам олишни саноат асосига кўчириш; соғломлаштириш; маданий, эстетик эҳтиёжлар қондиришни бошқариш ва индивидуал, шунингдек, жамоа фойдаланадиган хизматлар, таклифларни рағбатлантириш тизимини ташкил этиш (реклама, имиджмейкерлик ва хоказо), ҳар хил ўйинлар, механик ўйинлардан тортиб, электрон, компьютер ва бошқа воситалардан фойдаланиш каби йўналишларга эга¹. Ҳозирги замон маданиятшунослигида “оммавий маданият”нинг учта асосий даражаси китч – маданият (паст даражадаги, вульгар маданият), мид – маданият (“ўртамиёна” маданият) ва арт – маданият (маълум бадиий мазмун ва эстетик қийматга эга маданият) шаклида таснифланади.

Аҳолининг бадиий диди юксак бўлмаган тоифаларининг талабларини қондириш ва шакллантириш мақсадида оммавий бадиий адабиёт (фантастика, саргузашт, бульвар адабиёти, “аёллар” романи) дунёга келди. Шунингдек, арзон-гаров, жангари, триллер, мелодрама ва бошқа фильмлар ҳамда мусиқа ғояси одамларда оммавий муносабатларни қарор топтириш эканлиги кузатилади.

П.Бьюкенен “Ғарбнинг ўлими” номли китобида шундай дейди: “Гедонистик кўшиқларни ким тўхтатади? Бундай жозибали ўлим кўшигини ёшларга қараб ҳамма – Голливуд, MTV, “кўпик опералар”, телекўрсатувлар, гламур журналлар, шоу бизнес, аёлларнинг ишқий ғийбатлари, миш-мишлари, бестселлерлар куйлаётир. Ўқитувчидан тортиб диндоргача, ҳамма ёшларга “кондом” тутқазаетир... Бу қисмат “оммавий маданият” касофатидан бўлди. Чунки, “оммавий маданият ўз кадриятлари иерархиясида шахвоний ҳирсни оналик бахтидан юқори қўяди. Аёллар журналлари, “кўпик опералар”, аёлларнинг ишқий романлари, прайм-тайм телекўрсатувлар, ҳаммасида карьера, секс, ёш ва ёлғиз жувоннинг мустақиллиги шарафланади”.²

Интернет тизими орқали оммавий маданият маҳсулотлари мамлакатимизга кириб келмоқда ва айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарқалмоқда. Натижада, қадимий, бетакрор миллий маданият ва санъат маконида ёшларнинг ғоявий-эстетик дунёқарашига салбий таъсир кўрсатувчи контент ҳажми ва турлари кўпайиб бормоқда. Бу эса талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш олдига муҳим ва янги вазифаларни қўймоқда.

Диссертациянинг **“Бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашнинг технологик компонентлари”** деб номланган иккинчи бобида бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий тарбиялаш имкониятлари, бадиий тўғаракларда ҳаваскор талаба-ёшларнинг ижодий салоҳиятини

¹Флиер А.Я. Массовая культура и её социальные функции. // ОНС: Общественные науки и современность. – М., 1998. - №6. – С. 138.

²Бьюкенен П. Дж. Смерть Запада. Пер. с англ. А. Башкирова. –М.: ООО “Издательство АСТ; СПб.: Тетра Fantastica, 2003. -444с. 68-б.

ривожлантириш хусусиятлари ҳамда тарбиявий тадбирларнинг ғоявий самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ қилинди.

Талабаларда ҳис-туйғу маданиятини, образли ва абстракт тафаккурни, тасаввурни ўстиришда тасвирий санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Тасвирий санъат асарлари инсон ҳаётини ва табиатни билишда ёрдам беради. У нафақат кўринадиган нарсаларни идрок қилишда, балки ижодкорликни ривожлантиришда ҳам алоҳида қимматга эга. Расм ва ҳайкалларда воқеалар занжирининг бир они, бир бўлаги тасвирланган бўлса-да, талаба уларда акс эттирилган воқеалар, характерлар ва образларни ҳаракатда кўра олади. Мусиқа – товушларда очиладиган ҳис-туйғулар мажмуи сифатида талабаларнинг ғоявий-эстетик қарашларига таъсир этиш кучига кўра етакчи ўринни эгаллайди. Адабиёт - ифода воситаси сифатида янада қудратли ғоявий-эстетик таъсир – сўз кучига эга. Бадиий асарларда ифодаланган образлар талабаларнинг маънавий нафосатини, бунёдкор ғоялар гўзаллигини англашга қаратилган билим ва кўникмаларини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Республикада ҳаваскор бадиий жамоалар турли корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва турар жойлардаги сингари олий таълим муассасаларида ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Уларда ҳаваскор ёшлар ўзларининг бадиий, эстетик эҳтиёжларини қондириш билан бир вақтда, ёшларни ҳар томонлама ривожланган комил инсон сифатида тарбиялаш ишига хизмат қилиб, иқтидорларини рўёбга чиқармоқда. Зеро, “профессионал санъат ҳам, ҳаваскорлик санъати ҳам кишиларни тарбиялашда умумий мақсад ва вазифаларга эга. Чунки санъат кишиларнинг қувонч ва ҳаяжонлари, эҳтиросларининг манбаи сифатида уларнинг ҳиссиёти, фикри, иродасини ифода этиб, шахсни маънавий ва ғоявий бойитишга хизмат қилади”¹.

Турли тадбирларда қатнашиш талабаларни тасаввур қилинаётган ҳолатларда ҳаракат қилишга, янгиликлар яратишга ундайди, уларнинг ижодий куч-қувватини юзага чиқаради, ғоявий таассуротларини уйғотади. Талабалар, айниқса, бадиий фаолият жараёнида бадиий образлар яратиш билан бевосита боғланган адабиёт, мусиқа сахна асарларидаги гўзалликни яхши ҳис қиладилар.

Бадиий тўғараклар талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашда таълим бериш, коммуникатив, ижтимоийлаштириш, ўз-ўзини намоён қилиш, ривожлантириш, қизиқтириш, тарбиялаш каби функционал имкониятларга эга. Бадиий ҳаваскорлик тўғараклари “оммавий маданият” таҳдидини ҳаваскор талабаларга тушунтириш ва уларда “оммавий маданият”нинг бузғунчи таъсирига қарши ғоявий-эстетик иммунитетни шакллантиришнинг бой имкониятларига эга. Бадиий фаолиятга педагогик технология компонентларининг жорий қилиниши натижасида талаба-ҳаваскорлар учун қизиқарли мавзулар: таниқли санъаткорлар, уларнинг биографияси, машҳур кўшиқлари, гастроллари, асарлари тарихи, ҳаётда содир бўлган қизиқ

¹Тошматов Ў. Бадиий жамоалар билан ишлаш услубиёти. /Республика методика ва ахборот маркази. –Т.: 2006. -102 б.

воқеалар, янги кўшиқлар, “оммавий маданият” маҳсулотларини муҳокама қилиш ва ўз муносабатини шакллантириш имкониятларини беради. Бунда ҳар бир ҳаваскор талаба муҳокама қилинаётган спектакль, кўшиқ, куй, ремикс, рэп, мюзикл, клиплар, кинофильмлар, миллий эстрада янгиликлари, жаҳон мусиқаси, эстрада, театр санъати янгиликларига муносабат билдириш методларидан фойдаланади. Бунда талабаларга асарнинг: контент таҳлили, муסיқий таҳлили, ижровий таҳлилинини амалга ошириш вазифаси қўйилади.

Бадиий тўғараклар олий таълим тизимида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг технологик сегменти ҳисобланади. Бадиий тўғараклар фаолиятини режалаштириш, ўқув-педагогик жараёни олиб бориш, тўғараклар ишларини юритиш билан боғлиқ ишлар жорий меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Бу ҳужжатлар тўғаракларда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатидан тавсифлаб берувчи ва тартибга солувчи омилдир. Бадиий тўғараклар фаолиятини ўрганиш жараёнида талабалар ғоявий-эстетик тарбияси билан боғлиқ айрим ташкилий-педагогик меъёрий ҳужжатлар, норматив ҳужжатларда ягона ёндашувнинг етишмаслиги аниқланди. Бу ҳолатлар, жумладан, тўғарак раҳбарлари фаолиятини илмий асосда ташкил қилишдаги ҳар хилликлар бадиий тўғараклар машғулотларини методик таъминлашга ҳалақит бериб, машғулотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ана шу илмий-услубий муаммони ҳал қилиш мақсадида бадиий тўғараклар тажрибасининг ўқув-услубий манбалари такомиллаштирилди.

Бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш жараёнига тарғибот-ташвиқот жараёнини бадиий педагогик асосда қуриш, ғоявий-эстетик далилларни системалаштириш, ғоявий-эстетик билимни ҳаёт билан боғлаш, талабаларда миллий ифтихор туйғусини кучайтириш, тўғараклар тарбиявий иш тизимида тарғибот усулларини киритиш, уларни “оммавий маданият”нинг моҳияти, оқибатлари билан таништириш, ғоявий-эстетик тарбиянинг узлуксизлигини таъминлаш, талаба ёшларга салбий ғоявий-эстетик таъсир этаётган омилларни кўрсатиш каби методикалар киритилди.

Диссертациянинг **“Бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш технологияларини такомиллаштириш”** номли учинчи бобида бадиий тўғаракларда иш юритишнинг инновацион йўл-йўриқлари, бадиий тўғаракларнинг маънавий-маърифий фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик омиллари, ғоявий-эстетик тарбия жараёнини технологик такомиллаштириш ҳамда ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари баён қилинади.

Бадиий тўғараклар олий таълим тизимида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг технологик сегменти ҳисобланади. Бадиий тўғараклар фаолиятини режалаштириш, ўқув-педагогик жараёни олиб бориш, тўғараклар ишларини юритиш билан боғлиқ ишлар жорий меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўтказилган тадқиқотлар ва тажриба-синовлар жараёнида бадиий тўғараклар фаолиятида қатор ташкилий-педагогик меъёрий ва норматив

ҳужжатларда технологик ёндашувнинг етишмаслиги аниқланди. Бу ҳолатлар, жумладан тўғарак раҳбарлари фаолиятини ташкил қилиш, иш юритишдаги ҳар хилликлар бадиий тўғараклар машғулотларини методик таъминлашга халақит бермоқда. Ушбу илмий-услубий муаммони ҳал қилиш мақсадида олий таълим муассасаларидаги бадиий тўғараклар фаолиятини ташкил қилишни методик такомиллаштиришнинг намунавий йўриқномаси ишлаб чиқилиб, тажриба-тадқиқот тўғаракларида синовдан ўтказилиб, тўғарак раҳбарларига ғоявий, бадиий, технологик, ташкилий-методик ёрдам кўрсатилди. Жумладан, тўғараклар машғулотларини ташкил қилишга доир 11 та технологик кўрсатма ишлаб чиқилди. Шунингдек, бадиий тўғаракларнинг ўқув йили учун мўлжалланган ўқув режалари талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ғоявий-эстетик тарбиялаш мақсадларидан келиб чиқиб такомиллаштирилди.

Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган “Гулдаста” хор жамоаси, “Кўрғон” фольклор ансамбли, Мақом ансамбли (СамДУ), “Лайли” ашула ва рақс ансамбли (Навоий ДПИ), “Қизлар давраси”, “Ғоявий тарғибот” клуби, “Шодиёна” фольклор дастаси, “Мунозара” клуби, “Маданиятлараро мулоқот” клуби, “Дуторчилар” ансамбли, “Глобус” ва бошқа жамоаларда ҳаваскор талабаларнинг “оммавий маданият” ҳақидаги тушунчалари ўрганилди.

Қайд қилувчи эксперимент натижалари талабалар бадиий ҳаваскорлик тўғараклари иштирокида байрам тадбирлари, суҳбатлар, оғзаки журнал ва экскурсиялар ташкил қилишнинг тарбиявий вазифаларини муайянлаштириш ва уларни тизим шаклида босқичма-босқич амалга ошириш имконини берди. “Бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш” бўйича махсус курс дастури ишлаб чиқилиб, тўғарак раҳбарларининг талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашга тайёрлашда жорий қилинди.


Бадиий тўғаракларда тарбиявий жараёни ташкил қилишга технологик ёндашув характери тўғаракларнинг хусусиятларидан келиб чиқиши талаб этилади. Шу сабабли ушбу масалани ҳал қилишда ҳозирги даврда амалда бўлган, қўлланилишига, қамров ҳажмига кўра умумий педагогик, хусусий педагогик ва модулли кичик универсал технологиялар таснифларидан келиб чиқиб ёндашилди. Яъни умумий педагогик технологиялар ўз ичига йирик, яъни бутун таълим тизимига тегишли бўлган масалаларни қамраб олиши, хусусий педагогик технологиялар эса маълум фан доирасида қўлланилиши инobatга олинди. Бадиий тўғараклар хусусиятидан келиб чиқиб, суггестив модулли кичик универсал технологик ёндашув танланди. Маълумки, ушбу йўналишдаги технологиялар тарбияланувчиларда бирор рефлексни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, қамров ва мазмун жиҳатларидан бадиий тўғаракларда ишлатилиши мумкин бўлган технологиялардир.

Бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш технологияси талаба ва ўқитувчи, Устоз-шогирд муносабатларини ҳам инobatга олиши зарур. Мазкур технология ўзининг артпедагогик, яъни бадиий эмоционал, ёрқин таассурот, инонтириш, қизиқтиришга йуналтирилганлиги, талаффуз, мимикадан фойдаланиш, ҳис-туйғуларни

уйғотишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бунда ҳар бир янги мавзунини ўзлаштиришда образлардан фойдаланиш, ҳиссиётларни уйғотиш ва ҳар бир ҳаваскор талаба ана шу ҳисларни сезишини таъминлашга эътибор берилди. Юқоридаги назарий ва услубий таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялашнинг суггестив модулли кичик универсал технологиясининг такомиллаштирилган намунаси ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Бадиий тўғаракларда талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш модели



Тажриба-синов ишларига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш мақсадида смартфонлар учун кроссплатформали Telegram мессенжериди ҳаваскорлик тўғараклари аъзоларининг мулоқот канали жорий этилди. Унда ёшларнинг бадиий, ғоявий қарашларини виртуал ривожлантириш ўрганиб борилди. Ўтказилган тажриба-синов натижаларидан келиб чиқиб, бадиий тўғаракларда бадиий асар мазмунини миллий ғоя руҳи билан бойитиш вазифаси амалга оширилди. Қуйидаги жадвалда бунинг намуналари келтирилмоқда:

2- жадвал

Бадиий тўғараклар репертуарига миллий ғояруҳини сингдириш намуналари

Т/р	Асар номи ва жанри	Ғоявий-эстетик вазифа	Сингдирилган мазмун	Шакл, услуб, восита
1	“Чет эллик куёв” (бир пардали мусикали ҳазил)	Ғарбда ахлоқсизлик фалсафасининг тарқалиши, “Оммавий маданият”, эгоцентризм ғояларига қарши иммунитетни шакллантириш	Миллий табиатимизга, маданиятимизга ёт ғоялар мазмуни ва шакллари кўрсатиш; огоҳликка даъват	Кўрсатиш; тасвирлаш; бунёдкор ва вайронкор ғоялар моҳиятини тушунтириш
2	Оқтов ойдени. “Қўрғон” фольклор ансамблининг томошаси	Атоқли бахши Эргаш Жуманбулбул ҳаёти ва ижоди, айтимлари киритилди.	Комил инсон	Бадиий ўқиш; тушунтириш; Ролли ўйин
3	“Самарқанд байрами” “Қўрғон” фольклор ансамблининг томошаси	Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг урф-одат, удумлар; халқ ижодиёти замирида ётган ўзбекона маънавиятни сингдириш	Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик; динлараро бағрикенглик	Бадиий ўқиш; ижодий вазифалар
